



## IN 1917, THE ISSUE OF PARTICIPATION OF WOMEN IN THE ELECTIONS IN TURKESTAN

*Surayo Rahmanova*

*Doctoral student*

*History Institute of the Academy of Sciences of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** election, Shariat, Tashkent City Duma, Jadids, women, Muslims, fanatics, revolution, hijab, law, press.

**Received:** 28.10.24

**Accepted:** 30.10.24

**Published:** 01.11.24

**Abstract:** The article is devoted to the issues of women's participation in elections in Turkestan in 1917, after the February Revolution. It shows the attempts of jadids to get women to participate in elections and the opposition of religious fanatics.

## 1917 ЙИЛДА ТУРКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ МАСАЛАСИ

*Сурайё Раҳмонова*

*таянч докторант*

*Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** сайлов, шариат, Тошкент шаҳар Думаси, жадидлар, хотин-қизлар, мусулмонлар, мутаассиблар, инқилоб, хижоб, ҳуқуқ, матбуот.

**Аннотация:** Мақола 1917 йилда, февраль инқилобидан сўнг, Туркистонда хотин-қизларни сайловда иштирок этиш масалаларига бағишланган. Унда жадид тараққийпарварлари томонидан сайловда аёлларни иштирок этишига бўлган уринишлар ва мутаассиб диндорларнинг қаршиликлари акс этган.

## В 1917 ГОДУ ВОПРОС ОБ УЧАСТИИ ЖЕНЩИН В ВЫБОРАХ В ТУРКЕСТАНЕ

*Сурайё Раҳмонова*

*докторант*

*Институт истории Академии наук Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** выборы, шариат, Ташкентская городская Дума, жадида, женщины, мусульманы, фанатики, революция, хиджаб, закон, пресса.

**Аннотация:** Статья посвящена вопросам участия женщин в выборах в Туркестане в 1917 году, после Февральской революции. Показаны попытки жадидов привлечь женщин к участию в выборах и противодействие религиозных фанатиков.

Туркистон маърифатпарварлари жамиятда мавжуд муаммоларни у ҳоҳ ижтимоий, сиёсий, ҳоҳ иқтисодий бўлсин уларни ислоҳ қилишга ҳаракат қилган. Булар ичида аёллар масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Дастлаб ўз асарларида, матбуотдаги чиқишларида, турли йиғинларда хотин-қизлар борасидаги ислоҳ қилиш керак бўлган масалаларга тўхталган бўлса, 1917 йил февраль инқилобидан сўнг берилган нисбатан эркинликлар туфайли уларга оид масалаларни кенгроқ ва кескинроқ қўя бошлади. Чунки, жадидларнинг асосий мақсадларидан бири бўлган миллий мустақилликка эришиш аёлларга оид қарашларни ўзгартирмасдан амалга ошириб бўлмас эди.

Аввал хотин-қизларни билимли қилиш, жамиятда ва оилада ўз ўрнига эга бўлиш, саломатлик масалалари, кийиниш маданиятига эътибор қаратган тараққийпарварлар, февраль инқилобидан сўнг энг кўп тўхталган масалалардан бири бу аёлларни сайловга қатнашиши бўлган. Чунки мавжуд мураккаб ва зиддиятли вазиятда олдинлари бутун ҳокимият қўлида бўлган руслар ичида мусулмонларнинг етарли ўринга эга бўлиши учун хотин-қизларни сайловга боришлари керак эди.

Бу борадаги тарғибот ва ташвиқот, тушунтириш ишлари даврий матбуотда ўз аксини топган. Жумладан, “Эл байроғи” гезетасининг илк сонидида келтирилади. Мақолада илгариги сайловларда қатнашиш учун мусулмонлардан йиғилган пуллар, ҳеч қайсиси уларнинг манфаати учун сарф қилинмагани, миллий аҳолидан жуда кам киши сайловларда иштирок этгани, шунинг учун мусулмонлар овозини йўқотмасликка, эр ҳам, хотун ҳам қатнашиши лозимлиги таъкидланган.

Бундан кўринадикки, халқни ўз ҳақ-ҳуқуқларини танишга, берилган имкониятлардан фойдаланиш ва ўз давлатини бошқариш учун мусулмонларни бирлаштиришга чорлов ўз аксини топган.

Бу борадаги ҳаракатларнинг амалий натижасида Шўрои Исломиянинг 1917 йил 14 апрель мажлисида хотинларга сайлов ҳуқуқи бермоқлик хусусида музокара қилиниб, уларга сайлов ҳуқуқи берилишга қарор берилди.

Шу ўринда Умумтуркистон мусулмонларининг қурултойи(сезди) 1917 йил 19 апрель 3-куни кўрилган масалалар юзасидан “Нажот” гезетасида мусулмонларга қаратилган мурожаат тарзида берилган мақола ҳам эътиборга лойиқдир. Унда Мусулмон хотин-

қизлари шариат кўтарган қадар жамият ишларида фаоллик кўрсатишлари, эркалар каби сайловда овоз бериши лозимлиги таъкидланган.

Россия мусулмонларининг марказий бюроси биринчи майда Москвада бўладиган умумий мусулмон 1-съездида хотин-қиз жамиятлари тарафидан ҳам вакилалар сайлаб юборишларини сўраган.

“Нажот” газетасида мусулмон хотин-қизларини жариат доирасида овоз бериш ишига Шўрои Ислоннинг диққатини жалб қилиб, шу хусусида бажарадиган топшириқларни тавсия қилган.

Мақолада фақат хотин-қизларни сайловда иштирок этишигини эмас, балки, онгли тарзда ҳар бир бўлаётган ўзгаришларни тушунган ҳолатда ижтимоий ва сиёсий фаол бўлишларига чақирилган. Шунингдек, уларни таълим олишини барча қўллаб-қувватлаши кераклиги ҳам уқтирилган.

Тараққийпарварлар аёлларни овоз беришини илк бор Тошкент шаҳар Думасидаги сайловларда амалга оширишга ҳаракат қилган. “Улуғ Туркистон” газетасида, 29 июнда Тошкент шаҳар думасина сайловчиларнинг рўйхати эълон қилинган. Бу рўйхатга яна Тошкентда шаҳар Думасига сайлов ёшига етган (20 ёш) эр ва хотин-қизларнинг сони 127 минг қадар эканлиги келтирилган. Мақолада сайловда ҳар бир киши қатнашиши муҳим эканлигига урғу берилган.

Бироқ, бу даврда жаҳид зиёлиларидан фарқли ўлароқ, хотин-қизларни сиёсий фаолиятда иштирок этишларига қарши бўлганлар бўлган.

Уламочилар ва уларнинг ғоявий органи “Ал-Изоҳ” аёллар эркинлик ғоясига кескин қарши чиқди. Хусусан, “Ал-Изоҳ” журнали жаҳидларнинг “Турон” газетасида чиққан хотин-қизлар учун мактаблар очиш ва уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш ҳақида сўз борган мақоласини танқид қилиб, мақола муаллифи Мирмуҳсин Шермуҳаммад ўғлини худосизликда айблади. “хотин киши- хотин киши бўлиб қолиши лозим ва уни эркак кишига тенглаштириш ақлсизликдир” деб ёзади журнал.

Қадимчилар хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятда иштироки шариат ва тариқат қоидаларига зид келади деган фикрни ўртага суришди. Улар мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган Қуръондаги аёлларнинг нотенг аҳволларини оқловчи ва ёритувчи бир қатор кўрсатмаларга мурожат қилиб, улар иккинчи даражали, ижтимоий-сиёсий фаолиятда иштирок этишга ноқобил мавжудот деб исботлашга ҳаракат қилишди. Уларнинг фикрича, хотин-қизларнинг асосий вазифаси ва ҳаётининг мазмуни-эрига итоаткорлик билан хизмат қилишдир, зотан “эрлар хотинларидан юқори туради, чунки Аллоҳ дастлабкиларига кейингилари устидан афзаллик берган ва шу боис ҳам ўз мулкларидан уларга сарфлашади” (“Ал-Изоҳ” 1917 йил, №5-6).

“Ал-Изоҳ”, унинг раҳномалари бўлган қадимчиларни ва шунга ўхшаш фикрлайдиган кишиларни “Хуррият” газетасида “Сайлов муносабати ила хотунлар масаласи” номли мақолада қаттиқ танқид остига олинган. Унда шундай сўзлар келтирилади:

21 июлда Андижон Шўрои Исломиянинг умумий мажлиси бўлиб, руҳоний уламоларимизнинг аксари хотунларнинг сайловга киришмоқлари шариатда, тариқатда мутлоқ жоиз эмас деб ижоза бермаган. Сайлов шариат мезонига мувофиқ, хижоб билан хотинлар назорати остида бўлиши таъкидланса ҳам қарши бўлишган.

Аслида, Туркистон ўлкасининг тараққиётдан орқада қолишига сабаблари ичида эскилик руҳидаги руҳонийларнинг дин борасидаги ўзгармас ўрнатмалари ҳам бўлган. Бундай қарашларни янгилаш вақти келганлиги, мусулмонларнинг хуррият учун бирлашиши зарурлиги эди.

“Кенгаш” газетасида эса, хотинларнинг сайловга иштироклари Туркистон мусулмони учун ҳаёт-мамот масаласидур деб баҳоланади. Шунингдек, изоҳларда: Тошкентнинг рус қисми ҳисобига кўра сайлов ҳуқуқига молик бўлган одамлар 48 минг қадар. Мусулмон қисмининг ҳисоби аниқ бўлмай, унда 130-140 минглар қадар бўлса керак. Ҳамма сайловга қодирлар унда иштирок этса, Тошкент Думасига сайланишга лозим бўлган 112 аъзонинг 74 таси мусулмон, фақат 27 таси рус бўлиши мумкин. Лекин сайловчиларнинг ярмиси хотунлардир. Рус қисмидаги 48 мингнинг тақриб 24 минги хотун. Бу хотунлар албатта сайловга қатнашади. Аммо мусулмонларнинг 80 минг хотин-қизлари иштирок қилмаслиги сабабли, 74 вакилнинг 42 таси русга кетиб, мусулмон вакиллари 42 рус вакиллари 80 қадар бўлса керак. Яна ўн минг мусулмон сайлов ишларига эътиборсизлик қилиб, бормасалар бу вақт мусулмон вакиллари 30 қолиши мумкин. Бу сайлов қонунлари томон адолат асосига, таносиб асосига қурилгандир. Лекин бу адолат одам ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қила олган вақтидагина вужудга келиши мумкиндир.

Мусулмонлар съездларида мусулмон хотинларига айрим сайлов ўринлари қилинсин дейилган эди, лекин буни амалга ошириш қийин бўлган. Эски Тошкентда 28 та сайлов ўринлари бўлиб, ҳам ҳар ўринда сайлов комиссиялари бўлган. Буларнинг ҳаммасига комиссия бўладиган мусулмон хотин топилмаган. Тошкентда топилса, Туркистоннинг бошқа шаҳарларида имкони бўлмаган. Иккинчидан, ҳар бир участкада низом бўйинча сайловчилар мутлоқо бир хонада кириб чиқишлари ҳам, яна уларга 28 ўрин берилганда хотинларга махсус бир жой қилмоқ ҳам бўлмайди. Чунки, бирдан сайлов бир кундагина бўлади, ҳам бир кунда бир ўринга халқ жуда тиғизланиб, овоз берганда ҳам уч мингдан ортиқ киши бўлган. Учинчидан, сайлов учун тузулган рўйхатлар орасида хотинларнинг қоғозларини йиғиб олиш, ва бир ерга тўплаш мумкин бўлмаган. Шу хусусларни алоҳида қилмагандан сўнг Туркистон комитети ҳузурида сайлов ўриндаги комиссияларни иккига

бўлиб, бир қисми аёллардан, бир қисмини эркаклардан қилишни таклиф қилинган ҳам, бу икки қисм сайловхонанинг туташ икки хонасида ўтириб эркак, ҳам хотиннинг қоғозларини, хужжатларини қараб ким эканликларин ҳиёнат қилмаслик машаққатли, амалга ошириб бўлмайдиган иш деб ҳисоблашган.

Эҳтимол ҳукумат одамлари рози ҳам бўлар эдилар. Лекин, қарши мусулмонлар ўз хотинларини эрлар билан бир ҳовлида туруб, бир эшикдан кириб ўтишга рози бўлмади деб ҳисоблашган.

Матбуотда ҳамма томонларини ҳисобга олиб тушунтиришга уришлардан мақсад ҳам халқни кўзини очиш, ўз сўзида туриб олган мутаассибларни уларга эргашмасликларига уринаётганликлари кўзга ташланади. Ваҳоланки, мамлакатнинг тақдири ҳал бўлаётган бир вазиятда бирлашиш нақадар аҳамиятли эканлигини уқтириш лозим эди.

Жадидлар, хусусан, Маҳмудҳожа Бехбудий бу борада бор саъй-ҳаракатларини ишга солган. Унинг таклифи бўйича Тошкент умумдума сайловида аёллар учун алоҳида комиссия қилиниб хотинларнинг ҳам овоз беришда иштирок қилишларига ёрдам беришларини талаб қилиб мурожат этган.

Раис М. Чўқаев томонидан Тошкент Думасига сайловлар вақтида мусулмон хотинларига алоҳида сайлов комиссиялари тузилишига Дума комиссиясининг руҳсат қилганлиги мажлисга арз қилинди. Масала музокара қилиниб, бошқариш учун Мунаввар қори, П. Пўлатхонов, Заки Валидий, Ф. Тохири афандиларидан иборат бир комиссия сайланиб, иш шу комиссия аъзоларига топширилди

Бироқ, бу уринишлар мутаассиб диндорлар томонидан кўллаб-қуватланмади. Натижада 30 июлдаги сайловда солдат хотунлари иттифоқига 28 та ва зиёли хотунлар фирқасига 21 киши сайланадиган бўлса, ҳеч ер овоз ўтмаганлигини маълум бўлади

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, хотин-қизлар масаласи, уларга эркинлик бериш, мавжуд қотиб қолган, даврий ривожланишга таъсир қиладиган, эскирган қарашларни ўзгартириш совет ҳокимияти томонидан эмас, балки, илк бора жадид маърифатпарварлари томонидан илгари сурилган. 1917 йил февраль инқилобидан сўнг юмшаган сиёсий вазиятда жадидчилик ҳаракатининг илк даврларидан буён илгари сурилган бу қарашларни амалга оширишнинг айна фурсати эди. Эски тартиб-қоидаларни маҳкам тутиб олган мутаассиб кишилар томонидан бунга қаршилик кўрсатилган бўлса ҳам, ёки бўлмаса мамлакатнинг иқтисодий қийинчиликлари кўп нарсаларни амалга оширишга тўсқинлик қилган бўлсада, хотин-қизлар борасида қилинган саъй-ҳаракатлар бу борадаги муҳим силжишлар бўлди.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. Шаҳар думасина голасни сайлов. Эл байроғи. 1917 йил №1.

2. Фелятун шўрои исломиянинг қарор ва хизматлари. Нажот. 1917 йил 21 апрель. №8.
3. Мухтарама мусулмонлар! Нажот. 1917 йил 23 апрель. №9.
4. Тошкент шаҳар думаси ва мусулмонлар. Улуғ Туркистон. 1335 йил 1 шаввол. №13.
5. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.: Маънавият, 2000.-Б.89.
6. Шамс-нажми. Сайлов муносабати ила хотунлар масаласи. Хуррият. 1917 йил 15 июль. №24.
7. Аҳмад зали. Сайловда мусулмон хотунларининг иштироки. Кенгаш. 1917 йил 25 июнь №1.
8. 20 июнь мажлиси. Кенгаш. 1917 йил 25 июль.
9. Туркистон мусулмонларининг Марказ шўросининг протоколлари. 2 июль мажлиси. Кенгаш. 1917 йил. 2 август. №6.
10. Шаҳар думахонасига сайлов натижалари. Кенгаш 1917 йил 6 август. №7